Яшнаган гул, ҳаёт бўлиб,
Янги кунга нажот бўлиб,
Ёш-кексага қанот бўлиб —
Келин келди. Келди келин.




Ҳам сафоли, ҳам вафоли,
Эзгу дилларга шифоли,
Балқиб ғуққан ой мисоли —
Келин келди. Келди келин.

Одати-феъли мулойим,
Хизматга шай турган доим,
Уй бахтли бўлсин, илойим, —
Келин келди. Келди келин.

Рахима Саломова



www.ziyouz.com kutubxonasi



ТИНИҚ ТАСВИРЛАР ТАЪСИРИ

Адабиёт халқ ҳаётининг ўзига хос кўзгуси бўлгани учун кишилар маънавияти, руҳиятидаги ўзгаришлар бевосита унда акс этади. Албатта, адабиётда азалдан одамлар бир-бири туфайли шодланиб, қувониши, қайғу-ғамга ботиши кўрсатиб келинади. Аммо бу боғлиқликни теранроқ таҳлил қилиш, бу муаммога ҳар қачонгидан кўпроқ эътибор қаратиш бугунги кунда адабиётнинг долзарб масаласига айланди. Чунки, одамлар ахборот бўрони кучаяётган ҳозирги даврда, замона янгиликларидан хабардор бўлишга зўр бериб уриниш оқибатида, бир-бирига нисбатан бефарқ, лоқайд бўлиб бормоқда. Бир-бирига нисбатан бундай совуқ муносабат — оқибатсизлик ҳар бир одамнинг шахсий ҳаётида тубсиз фожеалар келтириб чиқармоқда. Ҳамманинг фақат ўзини ҳақ санашга ҳаракат қилиши, бошқаларнинг эмас, кўпроқ ўзининг хоҳиш-истаклари, манфаатини ўйлаши, шу боисдан одамларнинг бир-бирини англаши, тушуниши, ён беришга интилиши қийин кечишини кўрсатиш, гарчи, турли мавзуда битилган бўлса-да, Шойим Бўтаевнинг «Шоҳона совға», Абдуқаюм Йўлдошнинг «Отчопар» қиссаларини, Зулфия Қуролбой қизининг «Муҳаббат ва нафрат», Абулқосим Мамарасуловнинг «Ойсулувнинг кўз ёшлари», «Қариб қуйилмаган муҳаббат» ҳикояларини умумлаштириб туради.Фаол ижодкорлардан бири Шойим Бўтаевнинг «Шоҳона совға» қиссаси одамлараро муносабатлар мураккаблигини реалистик акс эттириш тамойили чуқурлашаётганидан, инсон ички дунёсини кўрсатишда жаҳон адабиёти илғор анъаналарини намойиш этишга интилиш ўсаётганидан далолат беради. Атоқли адиб Одил Ёқубов Шойим Бўтаев асарларида бугунги кун воқеалари, одамларимиз аҳволи, ўй-кечинмалари теран тасвирланганини таъкидлар экан, унинг «Шоҳона совға» қиссасини жиддий асар сифатида баҳолайди. «Қиссада ҳалоллик ва ҳаром — хариш, эзгулик ва ёвузлик туйғулари ўзига хос йўсинда тасвирланади. Қишлоқ одамлари, воқеа-ҳодисаларни таъсирчан бўёқларда чизади», дейди. Асар қаҳрамони — собиқ вазир. У шўро тузуми ғояларига ишонган, унга умр бўйи садоқат билан хизмат қилган. Эътиқодига асло хиёнат қилмаган. Ҳалол яшаб келганлиги билан мақтанган ва бунга ўзини ҳар жиҳатдан ҳақли ҳисоблаган. Аммо, бу одам ҳаётининг сўнгги кунларида ўзининг алданиб яшаганини пайқаб қолган. Шойим Бўтаев «...Шўродан қолган одамлар» асарида ҳам мустабид тузум етиштирган, унга эътиқоди туфайли ҳаётини барбод қилган кишилар фожеасини тасвирлаган. Ёзувчи «Шоҳона совға» асарида ҳам худди шу муаммони чуқурроқ тадқиқ этган. Собиқ вазирнинг умр сўнгидаги аҳволини, одамларнинг унга муносабатини гавдалантириш орқали шахс фожеасини ҳаётнинг айни ўзидагидай кўрсатиб беради. Собиқ вазир жамиятни ўргимчак тўридай ўраб олган манфаатпарастлик илинжи билан яшаш кайфиятидан ўзининг фарзандларини ҳам асраб қололмаган. У «қишлоққа кетсам дегандим» деганида, қизи «Наверна тў собираешся умирать?» дейди. Қиссада андишасизларча бу совуқ муносабат одамлар феъл-атворида моддий манфаатпарастлик кескин кучайгани туфайли келиб чиққанлиги жуда ишонарли, таъсирчан ифодаланган. Адиб ҳаётдаги барча фожеалар ортида одамлар аро муносабатлар туришини нозик ишоралар орқали кўрсатган. Кечаги кун одамларининг фожеасини, бугунги кун одамларининг дардли дунёсини кўрсатиш Шойим Бўтаев ижодининг муҳим қиррасига айланиб бормоқда.

Ижодкорлар ўзига хос мавзу топишга ҳаракат қилишади, асарларида ҳеч ким кашф этмаган бир жуғрофий «макон» яратишга интилишади. Аммо ҳамма ижодкор ҳам бунга муяссар бўлавермайди. Ўзига хосликни топиш йўлида изланган ижодкорлар эса, адабиёт майдонида ўз сўзи, ўз овози билан ало:ҳида ажралиб туради. Ҳар бир миллий адабиётнинг бўй-бастини эса ундаги адабий «мамлакат»лар ва уларда яшайдиган қаҳрамонлар белгилайди. Адабий «мамлакат»лар қанчалик кўп, қаҳрамонлари таъсирчан бўлса, адабиёт шунчалик салобатли, улуғвор кўринади. Негаки бетакрорлик борлиқнинг бош хусусияти ҳисобланади. Ҳар бир ижодкор ана шу бетакрорликнинг бир қиррасини топиб, ифодалай олса, у одамларнинг ҳаёт ҳақидаги, унинг мураккаблиги тўғрисидаги тасаввур, тушунчасини кенгайтиради ва бу билан ўз «мен»ини намоён этади. Ижодкор, аввало, кайфият одами. У доим бир хил ҳолатда туриб, бир хил услубда асар ёзолмайди. Унинг қалбида ҳар бир асар ўз оҳанги билан яралади. Шу оҳанг асарнинг ифода услубига, жумлаларнинг қай тарзда қурилишига асос бўлади. Масалан, Назар Эшонқулнинг қисса, ҳикояларидан катта оркестр ижро этаётган вазмин куйининг улуғвор оҳанглари эшитилаёт гандай туюлади. Ўзига хос ўхшатиш, сифатлашлардан таркиб топган узун жумлалар билан битилган «Шамолни тутиб бўлмайди» ҳикояси сўзларнинг жаранглаб занжирдай боғланиб кетиши билан бирданига диққатни жалб этади. Бу ҳикоя тўрт-беш сўздан иборат жумлалар

www.ziyouz.com kutubxonasi

орқали ёзилганида, шубҳасиз, бундай таъсирчан бўлмасди. «Шамолни тутиб бўлмайди»ни ўқиганида киши бу дунёдаги ҳар бир ҳодиса, ҳар бир кишининг тақдири бетакрор бўлишига, ҳар бир ҳолат, кечинма ўзига хос оҳанг, рангга эга эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилади. Бу ҳикояни мутолаа қилганида ўқувчи Байна момо тақдирига, айнан, шу ифода услуби мос келишига, ёзувчининг қаҳрамони ички дунёсига хос руҳни аниқ топа олганига амин бўлади. Мазкур ҳикояда бирор ўринда «шамолни тутиб бўлмайди», деган ибора ишлатилмайди. Аммо, инсоннинг нафрат-адовати, севги-муҳаббати, қувончу қайғусини ҳам худди шамолни тутиб бўлмагани сингари жиловлаб, бошқариб бўлмаслиги ҳақидаги ўй ўз-ўзидан қалқиб чиқади. Рамз-ишораларга бой ушбу ҳикояни турлича талқин қилиш мумкин. Ҳикоя қаҳрамони Байна момо ҳам теварак-атрофдаги одамларнинг оқибатсизлиги туфайли руҳий изтироб чекади. Аммо, «Шамолни тутиб бўлмайди» ҳикоясида бошқа асарлардан фарқли ўлароқ, одамлар орасидаги оқибатсизлик миллатни, юртни хароб қилиши рамз-ишоралар орқали теран бадиий гавдалантирилади. Ҳикояда кўпчилик кишилар замонасоз эканлиги, ҳаммадан кўпроқ ўзини ўйлаши, ҳозирги кунидан ҳузурланиш билан кифояланиб, оқибат тўғрисида қайғурмаслиги ҳаётдаги барча фожеалар асоси эканлигига ишора қилинади. Элдошларининг оқибатсизлиги, одамларнинг худбинлигидан изтироб чекиб, юртининг озодлиги, ҳақиқатнинг барқарорлиги учун курашиб ҳалок бўлган эри ва ўғлининг ёди билан яшаб ўтган Байна момонинг руҳий кечинмалари ўзининг ғамгин манзаралари билан кўз ўнгингда намоён бўлаверади. Замон отбоқар ватанини босқинчиларга топшириб, уларга қуллик қилиб яшайдиган минг-минглаб худбин кишиларнинг вакили бўлиб кўринаверади. Ҳар қандай халқнинг мустамлака асоратига тушиб қолишига ҳам, энг аввало, одамлар орасидаги оқибатсизлик, ноаҳиллик сабаб бўлади, деган ўй қалбингни азоблайди. «Шамолни тутиб бўлмайди»нинг бу қадар таъсир кўрсатиши ундаги мана шу каби ўринлар туфайли содир бўлади: «Байна момо бир пайтлар фақат қишлоқ эмас, бутун тоғли халқнинг орини кўтарган, номини чиқарган Раим полвонни қулоқ дея таъқиб қилишларига, сўнг итдай хор қилиб отиб ташлашларига йўл қўйгани ва ўғли билан эрини замоннинг эгаси, бир пайтлар Раим полвоннинг малайи Замон отбоқар ихтиёрига бериб қўйгани учун қишлоқдошларини кечиролмас, уларга бўлган нафрати сусайиш ўрнига йиллар ўтиб, ота-бола ўлдирилган оқшомдан узоқлашган сайин кўпроқ ўрни ва қадри билинаётган, ўзини ҳаётнинг барча қувончидан бир йўла маҳрум этган, ёлғизликнинг кўр мусибати аро тобора авжланиб, Байна момонинг кексалиги билан бирга инжиқ ва йўриқсиз бўлиб борарди... Байна момо ўз ёлғизлиги ва мусибатини ҳаётнинг бадбўй, забун, хор этилган ҳидлари анқиб ётган йиллар даҳлизидан етаклаб ўтди. Қишлоқдошлари баҳор келиши билан эски яйловларга кўчиб чиқишар ва ер шудгорлар, ҳар ким ўз ташвишига берилиб кетарди. Байна момо эса бу пайтда ёлғизлик даштини шудгорлар, у ерга ҳар йили Замон отбоқар ҳукумат одамлари билан келиб, эри ва ўғлини отиб ташлаган оқшомни экар, сўнг ёлғиз ўзи ҳосилини ҳам йиғиб оларди. Байна момо ҳар кеча кўз ёшлари билан тўлган қайиқда йиллар қоялари орасида қолиб кетган эри билан ўғлининг илма-тешик бўлган мурдаси ва Замон отбоқарнинг музаффар қамчиси ётган қонли халқоб билан тўлган айвонга сузиб борар, эрталаблари ҳўл бўлиб кетган ёстиғини худди қадим аждодларининг унут бўлган яловидай уйининг олдига, орадан йиллар ўтгач, уйини бузаётганлар қўпориб ташлашга кучлари етмагач, қовлаб олишга мажбур бўлган баланд толга осиб, офтобда қуритарди. Қиш пайтлари ғамлаб қўйган ўтини етмаган кунлари у кўрпага оёғини тиққанча хотирасига исиниб жон сақларди». Аслида, бошига мушкул тушган кишига одамгарчилик юзасидан кўмаклашиш эзгулик эмас. Чунки, комилликка интилиш йўли мурувват кўрсатиш, бурчни бажариш билан поёнига етмайди. Лекин одамлар орасидаги муносабатлар шу даражада мураккабки, кишилар ҳамиша оддий бир мурувватга ҳам муҳтож бўлиб туришади.

Агар ҳаётни кузатадиган бўлсак, кишиларнинг кайфият, дунёқарашидаги кечинмалари муайян манзил, маконларда аниқ намоён бўлади. Масалан, кишилар мотам маросимларида бир қиёфада, байрам, тўй, футбол ўйини, концерт чоғларида, бозорда бошқача тарзда кўринади. Одамлар бу «майдон»ларнинг қайси бирида кўпроқ, узоқроқ турса, улардаги «иқлим» об-ҳавосини шунчалик ўзларига сингдиришади ва ҳатти-ҳаракатларида намоён этишади. Абдуқаюм Йўлдошнинг «Отчопар» қиссасида фаолияти бозор билан боғлиқ одамларнинг турмуш тарзи, феъл-атвори, ўзаро муносабатлари ҳаётий, ишонарли акс эттирилган. Кишиларимиз «Ипподром» деб атайдиган бозор кейинги пайтда замондошларимиз турмуш тарзида, феъл-атворида манфаатпарастлик чуқур илдиз оттанини худди ойнадагидай ошкора акс эттирадиган ўзига хос майдон бўлди. Абдуқаюм Йўлдош бу бозор билан боғлиқ турли тафсилотларни қизиқарли воқеа сифатида бир тизимга солиб, манфаатпарастлик кишиларни қай даражада тубанлаштиришини кўрсатди. «Отчопар» — раҳм-шафқатни билмайди. Отчопар кўп нарсаларни фақат ва фақат пул билан ўлчайди... Отчопарда мезон — пул, ҳурмат — пул, обрў — пул, ҳатто, муомала маданияти ҳам чўнтагингдаги пул миқдорига мутаносиб бўлади».Ёзувчи ана шундай муҳитда кишиларнинг дунёқараши қандай ўзгариши, ўзаро муомала-муносабатлари қай тарзда кечишини Нозима, Самад, Осиё опа, Қорабой, Флора — Жаннанинг кечирмишлари мисолида ёритади.

Турмуш ташвишларига дуч келганида оддий одамгарчилик мезонларига туғри келмайдиган ноқонуний ҳатти-ҳаракатларни «тирикчилик» дея оқлашга уриниш кайфияти кучайиб бораётганини кўрсатиш кейинги даврда, жумладан, ўтган йилда эълон қилинган асарларнинг умумий мундарижасини белгилайди. Феъл-атворимиздаги иллатларни бадиий тарзда кўрсатиш бир қадар кучайди. «Отчопар» қиссасида ҳам «Ҳаётда Флорага ўхшаш олғир-устамонлар, Осиё опага ўхшаш пул учун ҳеч нарсадан қайтмайдиган қўшмачилар, Қорабойга ўхшаш туҳматчи-фосиқлар бор экан, бу иш асло ва асло осон кечмагай», дейилади. Ёзувчи «иш» деганда яшаш, турмуш кечириш, одамлараро муомала-муносабатларни назарда тутади.

Албатта, бадиий асар воқеалари қизиқ, ғайриоддий бўлиши, унинг матни равон ўқилиши ва завқ бериши, толиқтирмаслиги, илгари сурилган ғоя, фикр ибратли, нафис рамз-ишоралар

www.ziyouz.com kutubxonasi

орқали айтилиши керак. Шунинг учун бадиий асар «нафис адабиёт» деб юритилади. Ҳаёт эса ҳамиша нафис адабиётга манба бўладиган ғаройиботга тўла. Уларни пайқаш, топиб жой-жойига қўйиб, теран маъно чиқариш ижодкор маҳоратига боғлиқ.

Нормурод Норқобилов — ўқувчиларга ўз қаҳрамонларини «танита олган» ёзувчилардан бири. Унинг қаҳрамонлари жисмонан бақувват, руҳан бардам кишилар. Нормурод Норқобилов чорвадорлар, овчилар ҳаёти, турмуш тарзини синчковлик билан тасвирлаб беради. Содда, бир оз дағал, тўпори, лекин қалби билан лабзи бир, аждодлари ардоқлаган эзгу фазилатларни юрагига жо этган полвонлар ҳаётини мароқ билан қаламга олади. Ёзувчининг қисса, ҳикояларидаги қаҳрамонлардан бири, албатта, полвон бўлади. У эзгулик барқарор бўлиши учун курашади. Нормурод Норқобилов полвонларнинг ор-номус, ғурурни ҳамма нарсадан баланд қўйишини кескин тўқнашувлар орқали гавдалантиради. Жисмоний куч-қуввати кўп бўлганларнинг ҳаммаси ҳам полвон эмаслигини, ҳақиқий полвон, аввало, ўзининг мардлиги, ҳалоллиги билан бошқалардан устунлигини таъкидлайди. Полвонлар ҳаётидаги мардлик ва ғирромлик, ҳалоллик ва ҳаром нафсга берилиш ўртасидаги зиддиятни кўрсатиш Нормурод Норқобилов ижодининг бир қиррасини белгиласа, жонзотлар ҳаётини ҳикоя қилиш иккинчи бир қирраси саналади. Ёзувчининг бу икки жиҳатни анча маҳорат билан ўзлаштиргани эълон қилинган «Овул оралаган бўри» қиссасида яққол сезилади. Қиссада жонзотлар ҳаёти қизиқарли ҳикоя қилинган. Жонзотлар муносабатларида ҳам ёқтириш-ёқтирмаслик мавжудлиги, уларда ҳам меҳр-муҳаббат, садоқат ардоқланиши, хиёнат, ғирромлик тубанлик саналиши, ҳайвонлар ҳам бир-бири туфайли изтироб, алам азобларини чекиши ишонарли кўрсатилади. Лекин драматик воқеаларга асосланган мазкур қиссанинг якуни одамларни аллақандай шафқатли кўрсатишга ҳаракат қилиш оқибатида, бир қадар китобий бўлиб қолган.

Хуршид Дўстмуҳаммаднинг «Жим ўтирган одам» ҳикоясида унинг инсон руҳиятини, ички кечинмаларини ўзига хос синчковлик билан тадқиқ этиш услуби кўринади. Бу ёзувчи қаҳрамонларининг ички оламини, ниҳоятда нозик, кузатади, майдалаб тафтиш қилади. «Жим ўтирган одам» ҳам шундай «инжиқлик» асосида яратилгани билиниб туради. Хуршид Дўстмуҳаммад мазкур ҳикоясига ҳам ўзига хос «тафтишлаш» асосида, инсон қалбининг бошқалар эътибор қилмайдиган мураккабликларини топиб кўрсатади.

Зулфия Қуролбой қизининг «Муҳаббат ва нафрат» ҳикояси ҳаётнинг ҳар бир ҳодисасида, ҳар бир кишининг кечмиш-кечирмишларида бошқалар учун ибрат бўла оладиган сабоқлар борлигини, уларни пайқаш ва англаш лозимлигини билдиради. У оддий кундалик воқеаларни қаламга олади. бугунги кишиларнинг феъл-атвори аввалгиларидан жиддий фарқ қилишига диққатни қаратади. Зулфия Қуролбой қизининг равон, тиниқ «хат»и ўқувчи эътиборини тортиб, воқеалар ичига олиб киради. Унинг асарлари ўткир сюжети, айниқса, фавқулодда кутилмаган тугалланмаси билан ҳаяжонлантиради. адиба асарларида замондошларимиз қиёфаси жонли гавдалантирилиб, бугунги куннинг маънавий-ахлоқий муаммолари таъсирчан кўрсатилгани адабиётшунос Умарали Норматов ибораси билан айтганда, адабиётимизда бу йўналишда «умидбахш тамойиллар» пайдо бўлганидан далолат беради.

Эшқобил Шукурнинг «Қўриқхонада» ҳикояси насримизда рамз-ишоралар орқали фикр айтиш тамойили теранлашаётганини кўрсатади. Ҳикояда тутқунликда яшагани туфайли, ўз табиий майлидан маҳрум бўлиб қолган қоплоннинг ачинарли қисмати таъсирчан ифодаланади. Эрксизлик йиртқични мажруҳ этиб қўйганидек, инсонни ҳам муте, қул, теварак-атрофида бўлаётган воқеаларга бефарқ, лоқайдга айлантиради, деган маъно сингдирилади. Ҳикояда қоплоннинг ҳолати, хатти-ҳаракатлари тиниқ, таъсирчан тасвирланган. «Не кўз билан кўрайки, симтўрлар туйнугига бириктирилган узун учли темир таёққа Ника осилиб ётарди. Унинг кўкрагидан кириб кетган учли темир қонга ботган найза каби елкасидан чиқиб турарди. Никанинг кўзлари очиқ қолган ва унинг кўз ёши ҳали қотиб улгурмаган эди. У икки дунё оралиғидан сакраб ўтаётганида ҳалокатга учраган эди. Симтўрли дунё ўз ўлжасининг жонсиз танини хочга тортилган авлиё жасадидай тутиб турарди».

Абулқосим Мамарасуловнинг «Ойсулувнинг кўз ёшлари», «Қариб қуюлмаган муҳаббат» ҳикоялари муҳаббат ҳақида. Буларда оддий одамларнинг содда ҳаёт тарзи, қалбига яширинган муҳаббат қувончу изтироблари ишонарли ифодаланган. Исмоил Шомуродовнинг «Икки изқувар» қиссаси ҳам воқеаларнинг ҳаётийлиги билан диққатни жалб қилади. Ишқ-муҳаббат можароларини маълум қилиш асосий муддао бўлган бу асарлар ўқувчини ҳаётнинг ранг-баранг манзаралари, одамлараро муносабатларнинг дабдурустдан сезилмайдиган мураккабликлари билан таништиради, унинг одам ва олам тўғрисидаги тасаввурини бойитади. Бу эса ушбу асарларнинг бадиий-эстетик аҳамиятини белгилаб беради.

Эсдаликлар, хотиралар тарзида битилган бадиий асарларда ҳам, аввало, даврнинг муайян ижтимоий-маънавий мураккабликларини маълум этиш кишилараро муносабатлар чигаллигини кўрсатиш асосий мақсад қилиб қўйилади. Ўқувчилар жамоат ва давлат арбоблари, илм-фан, санъат намояндаларининг мемуарлари орқали, биринчидан, уларнинг шахсий ҳаёти билан танишадилар, иккинчидан, муайян давр, ижтимоий-сиёсий муҳит тўғрисидаги тушунчалари кенгаяди. Бу жиҳатдан, айниқса, адабиёт аҳлининг эсдалик, хотиралари қизиқарли бўлади. Чунончи Абдулла Қаҳҳорнинг «Ўтмишдан эртаклар»и, Ойбекнинг «Болалик»и, аслида, уларнинг кечмиш-кечирмишлар нақли. Аммо, улар ҳақиқий бадиий асар сифатида таассурот қолдиради. Адабиётшунослар ҳам, ўқувчилар ҳам «Ўтмишдан эртаклар» ва «Болалик»ни ўзига хос бадиий асар — «қисса» сифатида қабул қилади. Ёзувчилар, шоирларнинг эсдаликлари, хотиралар ёзиши адабиётда турли шаклда давом этади. Улар бадиий асар даражасида салмоқ касб этиб, ўқувчилар эътиборини тортади. Афсуски, Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қодирий, Ҳамид Олимжон, Усмон Носирга эсдаликлар ёзиш насиб этмаган. Бу эса, улар тўғрисида чалкаш, бир-бирини мутлақо инкор этувчи мулоҳазалар майдонга келишига сабаб бўлди. «Ўтмишдан эртаклар», «Болалик» ўз

www.ziyouz.com kutubxonasi

навбатида Абдулла Қаҳҳор ва Ойбекни яқиндан танишга имкон беради. Икки улкан адибнинг бу асарлари эсдаликлар, хотиралар ёзиш ҳар жиҳатдан керакли эканлигини кўрсатади. Улар шу жиҳати билан ҳам қадрли бўлиб қолади. Айни пайтда ҳам ҳаётда катта тажриба тўплаган, турмушнинг турли сўқмоқларидан ўтган ижодкорларнинг эсдалик, хотиралар ёзаётгани кишини қувонтиради. Чунки бу асарлар бизнинг яқин ўтган кунлар тўғрисидаги, одамлар ҳақидаги тасаввуримизни бойитади. Матёқуб Қўшжоновнинг «Дагиш» қиссаси, Озод Шарафиддиновнинг ижодкорлар тўғрисидаги, туркум мақолалари, Ҳамид Ғуломнинг «Вафонинг узун йўли», Рамз Бобожоннинг «Сурайё юлдузидан шуълалар», Шукруллонинг «Оғир кунлар севинчи» асарлари, аввало,' бу ижодкорларнинг шахсий ҳаёти, кечмиш-кечирмишлари билан танишиш имконини бериши билан диққатни жалб қилади. Ўтган йили «Шарқ юлдузи» журналида Дадахон Нурийнинг «Бойсун жунглиларидан Канди ўрмонларигача», Ҳайдар Яҳёевнинг «Ҳаёт тилсимлари» асарлари эълон қилинди. Бадиий даража-миқёси, ёзилиш услуби турлича бу асарларни бир жиҳат-хотиралар, кечмиш-кечирмишлар баёни бирлаштириб туради. «Ҳаёт тилсимлари»да баён этилган воқеа-ҳодисотлар бизни ўтган асрнинг 20-40-йилларидаги ҳаёт мураккабликларидан хабардор қилса, Дадахон Нурийнинг ажойиб ва ғаройиб саргузаштлари кўз ўнгимизда элимизнинг содда, дилкаш, айни чоқда, тўпори одамларини, шунингдек, бутун туриш-турмуши билан бошқалардан алоҳида ажралиб туришга уринадиган, амал-мансабига жон-жаҳди билан ёпишиб олган димоғдор кимсалар қиёфасини гавдалантиради. Атоқли адабиётшунос Матёқуб Қўшжонов «Бойсун жунглиларидан Канди ўрмонларигача»ни «ҳаётнинг асл ўзи» деб таърифлаб, «Шуниси қувонарлики, асарга ёркин руҳ бериб, воқеаларни таранг тортиб турадиган чизиқ бор, бу — ҳазил-мутойиба, юмор чизиғидир. Ундан Дадахон Нурий ҳар қандай вазиятда, ҳатто «мумкин бўлмаган»фожеалар рўй бериб кўрган ҳолатларда ҳам усталик билан фойдаланади», дейди Дадахон Нурий ҳазил-мутойиба, юмордан боплаб фойдалана олганини ўзи ҳам билгани учун бойсунликлардан нақ балога қолишдан чўчимай асарига «Бойсун жунглилари» дея сарлавҳа — ном қўяди. Ҳайдар Яҳёевнинг «Ҳаёт тилсимлари»да эса, ҳазил-юмор сезилмайди. Унда воқеалар вазмин, босиқ тарзда: «Маҳалламизнинг чойхонасидан ўтганда катта жомеъ масжид, ундан нарида бир неча карвонсарой бўлар эди. Чойхона ёнидаги пастқам кўча маҳалла аҳли жойлашган асосий майдонга олиб боради. Масжиднинг олдида қатор ҳужралар бўлиб, олди майдон ва майдон пастида харсанг тошлар билан ясалган каттакон ҳовуз. Қиш пайтларида ҳовуз қалин муз билан қопланганда ёш болалар яхмалак учарди», дея соғинч тўла мунг билан ҳикоя қилинади.

Маълумки, жаҳон адабиётининг энг сара асарлари сюжети асосида ҳам оилавий, маиший ҳаёт билан боғлиқ икир-чикирлар туради. Ўзбек адабиётининг энг яхши асарларида ҳам оилавий, маиший ҳаёт муаммоларини ёритиш асосий ўрин тутади. Айни пайтда, эълон қилинаётган қисса, ҳикояларда ҳам кундалик турмуш жумбоқлари тўғрисида баҳс юритилади, замондошларимизнинг маънавий руҳий олами оилавий, маиший икир-чикирлар орқали очиб берилади. Улар айни шу жиҳати билан реал ҳаётга яқин туради, кишиларнинг турмуш тўғрисидаги тасаввурини ойдинлаштиради, ўқувчиларнинг замондошларимиз маънавияти манзаралари, одамлараро муносабатлар мураккаблиги ҳақидаги тушунчаларини бойитади. Бу эса адабиётимизда ҳаётга яқинлашиш, инсон дунёсини англаш, кўрсатиш теранлашаётганидан далолат беради.

Абдулла Улуғов,
филология фанлари номзоди.

«АМЕРИКА ЧИНДАН ЗЎР ЖОЙ...»

Омон Матжон ижодида уммонорти мамлакати мавзуи

Собиқ шўролар замонида шарқ халқлари адабиётида урфга айланган саёҳатнома жанрида яратилган асарлар бирёқлама тусга кирди. Боиси, ўша вақт мафкураси саёҳатномада шоирларнинг эмин-эркин фикр юритмоғига йўл қўймас эди. Хусусан, Америка мавзусига ниҳоятда эҳтиёткорона ёндошилгани маълум. «Нима бизга Америка?» шеъридаги беписандлик руҳи бошқа ижодкорлар талқинида ҳам бот-бот такрорланиб турди.

Ана шундай бир даврда иқтидорли шоир Омон Матжон «Америка чиндан зўр жой» сатрини қўллаган эди. Тўғри, у мавзуни сал ўзгартиради:

Америка чиндан зўр жой,
Лекин сал-пал қайтаман!
Энди сенга халқимнинг энг
Зўр хислатин айтаман!

Бироқ, нима бўлганда ҳам шоирнинг Америкага қилган сафаридан сўнг яратилган шу хусусдаги туркум шеърларида самимият балқиб туради. Ўз навбатида, шоир мустамлака юрт ёзувчиси эканлигидан хижолат тортади, ўзини камситилгандек ҳис қилади. Ва бу изтироб кечинмалари тўғридан-тўғри акс эттирилмасдан рамзлар, киноя — пичинглар воситасида баён қилинади. Алалхусус, шоир ўзининг севган усули — воқеабандликка содиқ қолади:

www.ziyouz.com kutubxonasi

МУНДАРИЖА

БУ — СЕНИНГ ҲАЁТИНГ

Матрасул Собиров. Юксак маънавиятли кадрлар тайёрлаш фаолиятимиз мезони 3

Абдуғаффор Қирғизбоев. Ўзбекистон — Япония: Ўзаро манфаатли ҳамкорлик. . . 6

АСРЛАР, АСАРЛАР

Убайдулла Содиқ. Раҳмат томчилари. **Ҳикоя.** 10

Учқун Назаров. Яшашга маҳкум этилганлар. ***Роман***. 16

Отаули. Замона зайли. **Достон.** 48

ШЕЪРИМ, СЕН ЛАЙЛИ

Тоҳир Қаҳҳор. Гўзалдир чечаклар очилган очун. 39

Баҳром Рўзимуҳаммад. Сен менинг илдизим ва баргим. 43

Ибодат Ражабова. Жийдалар пойида тиксам чимилдиқ 45

ШОИРУ ШЕЪРУ ШУУР

Тўра Жуман. Умр гули. 83

Қамбар Ота. Жамолинг оламга ярашар. 84

САРГУЗАШТ, ФАНТАСТИКА

Неъмат Арслон. «Аммахолл»даги қотиллик. **Қисса**. 86

ТАБАРРУК ТУПРОҚ

Абдулҳай Носиров. Ўтрор ҳокими. **Драматик достон** 116

Маҳкам Маҳмудов. Ибн Батута Хоразмда. **Бадеа** 156

ШАХС ОЛАМИ

Сирожиддин Аҳмад. Ҳожи Муъин 135

МАНГУЛИК

Наим Каримов. «Гул ва булбул билан баҳорлар ўтар...» 141

ҚУТЛОВ

Адҳамбек Алимбеков. Рўй-рост ёзиш ҳуқуқи. 146

АДАБИЙ ДАВРА

Абдулла Улуғов. Тиниқ тасвирлар таъсири. 149

Ўғилжон Панаева. «Америка чиндан зўр жой...» 152

Умида Тўлаганова. Бадиий асарнинг «жони». 154

Матн терувчилар Ф. Ҳайдарова, М. Файзиева

* Муаллифлар фикри таҳририят фикри деб қабул қилинмасин. Таҳририятга келган бир босма табоққача бўлган материаллар муаллифларга қайтарилмайди. * Таҳририят ўз тавсиясига кўра амалга оширилган таржима асарларини қабул қилади. * Ойнома матбаасига оид нуқсонлар (саҳифалар етишмаслиги, чалкаш босилгани) бўйича ушбу ташкилотга мурожаат қилинг: Тошкент-29, Буюк Турон кўчаси, 41. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси * Обунага монеълик кўрсатилса ёки ойнома ўз вақтида етиб бормаса Тошкент — 700000, Амир Темур тор кўчаси, 2. Республика матбуот тарқатиш марказига мурожаат қиласиз.

Теришга берилди 05.11.2003 й. Босишга рухсат этилди 05.12.2003 й. Қоғоз бичими 70x108$^{1}/_{16}$. Офсет босма усулида 2-қоғозга босилди. Босма табоғи 10. Шартли босма табоғи 14. Шартли-рангли босма табоғи 14,7. Нашриёт ҳисоб табоғи 15,4. Адади 1000 нусха. Буюртма № 5534.

ЧАКАНА САВДОДА БАҲОСИ КЕЛИШИЛГАН НАРХДА
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси.
700000, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41

www.ziyouz.com kutubxonasi